O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV. №

*Қонунчилик ва ҳуқуқ-тартибот учун!*

1930 йил 12 майдан чиқа бошлаган

# Посила

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИИВ НАШРИ

№ 82 (3312) 1999 йил 5 ноябрь, жума Сотувда эркин нархда

**Бош муҳаррир минбари**

## САЙЛОВОЛДИ ТАШВИҚОТ БОШЛАНМОҚДА

Деярли ҳар биримиз қайсидир меҳнат фаолияти билан шуғулланаётган киши бошқасига ўтганда унинг иқтидори янада кенгайганини кўп марта эшитганмиз. Илгари кўпчилик эътиборини қозонган бундай инсонлар эстрада, тасвирий санъат ёки кино соҳаларида учраган бўлса, эндиликда тадбиркорлик ёки бошқа соҳалар, ҳатто сиёсатда кўзга ташланмоқда.

Ҳа, сиёсатда ҳам. У ёки бу депутатликка номзодни қўллаб-қувватлаётган фуқароларимиз ҳукуматнинг ваколатли органларига нафақат фуқаро, балки олим, ўқитувчи, оддий тадбиркор, фермер ҳам сайланишга интилаётганининг гувоҳи бўлишаяпти.

Ким билади, уларни сайласак, эҳтимол сиёсий фаолият юритиш учун бор имкониятларини ишга солиб, мустақил давлатимиз қонунчилик базасини янада мустаҳкамлаш ва такомиллаштириш, ҳуқуқий ҳужжатларни ҳаётга самарали жорий этишга муносиб ҳисса қўшсалар ажаб эмас.

Бироқ уларнинг депутатлик мақомини олишлари осон кечмайди. Зеро, бу ҳукуматнинг ваколатли органларида жой камлигидан эмас, балки даъвогарлар кўплигидандир. Бугунги сайловчи ишончини фақат ваъдалар билан қозониш амримаҳол. Ҳаётимизнинг барча соҳаларидаги ислоҳотлар, жамиятни демократлаштириш ва эркинлаштириш жараёни чуқурлашиб бораётган бир пайтда сайланадиган депутатлар ўз сайловчиларига ширин ваъдалар эмас, келгусида турмушимиз яхшиланишига қаратилган аниқ ҳаракатлар дастури тақдим этишлари талаб этилмоқда.

Шуни ҳам айтиш зарурки, сайловчи бир қарорга келиш, яъни у ёки бу номзодга овоз беришдан олдин у ҳақда кўпроқ билишни истайди. Унинг қай даражада батартиб, ҳалол, виждонли эканлигига эътиборни қаратади. Халқ вакили сифатида самарали фаолият кўрсатиш учун дунёқараши ва маҳорати етарлими? Жамият манфаатларини ўз манфаатидан устун қўя оладими? Давлат миқёсида фикр юритиш, Ўзбекистон фуқаролари тақдирини ҳал этиш даражасидаги масалалар юзасидан қарорлар қабул қилиш иқтидорига эгами, деган саволларни кўндаланг қўяди. Депутатликка номзодлар ана шулар ва бошқа саволларга оқилона жавоб қайтаришлари керак бўлади.

Октябрь ойининг сўнгги кунларида сайлов кампаниясининг яна бир босқичи якунланди. Марказий сайлов комиссияси сиёсий партиялар, ҳукуматнинг ваколатли органлари, сайловчиларнинг ташаббускор гуруҳлари томонидан Олий Мажлис депутатлигига таклиф этилган номзодларни рўйхатга олиш ниҳоясига етди.

Парламентдаги жой учун сайловолди курашида "Адолат" социал-демократик партиясидан – 156, "Ватан тараққиёти" партиясидан – 133, Ўзбекистон халқ демократик партиясидан – 247, "Миллий тикланиш" демократик партиясидан – 113, "Фидокорлар" миллий демократик партиясидан – 222, ҳукуматнинг ваколатли органларидан – 238, сайловчиларнинг ташаббускор гуруҳларидан – 132 нафар номзодлар иштирок этади.

Мамлакатимиз қонунчилигига биноан сайловолди марафонининг барча иштирокчиларига улар ташвиқот ишлари олиб боришлари учун барча шароитлар яратиб берилади. Телевидение, матбуот орқали чиқишлар, сайловчилар билан учрашувлар шулар жумласидандир. Дарвоқе, куни кеча Марказий сайлов комиссияси томонидан тасдиқланган жадвалга кўра Ўзбекистон телевидениесининг биринчи дастури орқали соат 21.10дан 21.25гача "Ватан тараққиёти" партиясининг вакиллари ўзларининг сайловолди дастурини баён этди. Бугун худди шу вақтда мустақил номзодларни қўллаб-қувватлаш Маркази, кейинги кунларда эса бошқа сайлов блоклари эфирга чиқади.

Кўриниб турибдики, биз, сайловчилар ўзимизни қизиқтирган барча саволлар юзасидан жавоб олиш, сайлов блокларининг асосий мақсадлари ҳақида мукаммал маълумотга эга бўлиш имкониятига эгамиз.

Уларнинг сўзларини диққат билан тинглаб, сайловолди дастурлари бўйича шарқона донишмандлик билан, чуқур мулоҳаза юритишимизга тўғри келади. Бу борада шошиб хулоса чиқармаслик керак. Зеро, сиз ва биз, азиз сайловчилар, Олий Мажлис депутатлигига номзодлардан муносибларини тўғри танлаб, уларнинг инсоний фазилатлари ва ишбилармонлик қобилиятини нечоғли англай олишимиз, XXI аср бўсағасида жамиятимизни гуллаб-яшнатишга даъват этилаётган парламентнинг таркиби сифат жиҳатдан янада юқори даражага кўтарилишига олиб келади.

Сайлов кампанияси давомида ҳаётимизни янгилашга қаратилган кўплаб янгиликлардан воқиф бўламиз. Ҳозирда сайловолди кураш бошлаб юборилган, сайлов блоклари ва улардаги депутатликка номзодларнинг сонига қараб шу даражада кўп таклиф ва мулоҳазалар билдирилиши кутилмоқда.

Ҳукумат ваколатли органларига сайланаётган барча даражадаги депутатликка номзодлар, сизларга омад тилаймиз! Ўзаро бошланган сайловолди кураш ҳалол ва адолатли бўлсин!

## ХОРАЗМДА ТАНТАНАЛАР

Ватанимизнинг муқаддас сарҳадларини кўз қорачиғидек асраш, унинг куч-қудратини, салоҳиятини, мудофаа қобилиятини янада юксалтириш давримизнинг кечиктириб бўлмас талабларидан биридир.

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Ички Қўшинлар бошқармасининг бўлинмасида тантанали маросим бўлиб ўтди.

Тантанада Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирининг ўринбосари, ички хизмат полковниги Ш. Мавлянов сўзга чиқиб, жасур, мард аскарлар Жалолиддин Мангуберди, Амир Темур, Бобур сингари буюк аждодларимизнинг саркардалик қобилиятларини, ҳарбий маҳоратларини чуқур ўрганиб, Она-Ватанимизни мардонавор ҳимоя қилишларига юксак ишонч билдирди.

Шунингдек, ички ишлар идоралари ходимларини, аскар ва зобитларни навбатдаги унвонлар, қимматбаҳо совғалар, пул мукофотлари, фахрий ёрлиқлар билан тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.








Тантанали маросим иштирокчилари, шунингдек, Урганч-Хива йўналишида бунёд этилган янги ДАН масканининг очилишида ҳам иштирок этдилар. Барча қулайликларга эга бўлган бу замонавий масканни Қўшкўпирдаги механизациялашган кўчма колонна қурувчилари 40 кун ичида фойдаланишга топширдилар.

**Ўз мухбиримиз.**

Суратларда: тантанали маросимлардан лавҳалар.

**Жумабой ҚОЗОҚ олган суратлар.**

ҚАДАҲДАГИ КЎЗ ЁШЛАР 6

ҚОПДАГИ ЖАСАД 13 Бир жиноят тарихи

ҚЎШНИНИНГ БИР ТУП ЁНҒОҒИ 11

KELGUSI HAFTA UCHUN MUNAJJIMLAR BASHORATI кроссворд

Postda TV тўлиқ теледастур фақат бизда

Паспорт ислоҳоти амалда

# МУДДАТ ТУГАЯПТИ, МУАММОЛАР-ЧИ?

**Мамлакатимизда паспорт ислоҳоти якунига етяпти. 1995 йил 1 январдан бошлаб Ўзбекистон Республикасида янги нусхадаги паспортлар берила бошланганди. Беш йил муддатга мўлжалланган ислоҳот даврида республикамиз фуқаролари собиқ СССР паспортини янги, мустақил давлатимизнинг паспортига алмаштириб олдилар. 2000 йил 1 январда муддати тугайдиган ислоҳот даврида Ўзбекистон Республикаси ички ишлар идораларининг паспорт хизмати ходимлари Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикасида паспорт тизими тўғрисидаги Низом"ни амалга ошириш ҳақида"ги Фармонининг бажарилишини таъминлаш борасида салмоқли ишларни бажардилар. Ислоҳот якуни арафасида Ўзбекистон Республикаси ИИВ Хорижга чиқиш, келиш ва фуқаролик бошқармаси бошлиғи ўринбосари, милиция полковниги Салоҳиддин Асомиддинович МИРАҲМЕДОВ билан суҳбатлашдик.**

**– Салоҳиддин Асомиддинович, ҳадемай асримизнинг охирги йили – 2000 йил бошланади, республикамизда паспорт ислоҳотини ўтказиш муддати тугайди. Ўтган даврда кўзланган мақсадларга эришилдими?**

– Саволингизга бир сўз билан жўнгина қилиб "Ҳа" дейиш мумкин, лекин ислоҳотни амалга оширишдан кўзланган мақсадларни яна бир бор айтиб ўтиш жоиз. Фуқаролик паспорти том маънода мустақил бир давлатнинг фуқаролигини тасдиқловчи асосий ҳужжат ҳисобланади. Биз 1995 йилгача собиқ СССРнинг паспорти билан яшаб келдик. У тугаб кетган давлат фуқаролигининг ҳужжати эди. МДҲ давлатлари орасида биринчилар қаторида мустақил Ўзбекистон Республикасининг янги паспорти жорий этилиб, фуқароларнинг эски паспорти алмаштирила бошланди. Паспорт ислоҳоти деб жўнгина номланган бу оламшумул тадбирни тўла-тўкис туғаллаш учун беш йил муддат белгиланди. Бу давр ичида ички ишлар идораларининг паспорт тизими билан шуғулланадиган хизматлари аниқ режалар белгилаб, ана шу асосда ишлар олиб боришди. Айни кунларга келиб эса белгиланган режаларни бажариш якуний босқичга кирди. Шу йилнинг 1 ноябрига қадар 14 миллион 300 мингдан ортиқ фуқароларимизга паспорт берилди. Шу ўринда Ўзбекистон Республикаси фуқаролигига мансуб бўлмаган, бошқа давлат фуқаролигини қабул қилмаган 26 мингдан ортиқ шахсларга фуқаролиги йўқ шахс учун яшаш гувоҳномаси берилганини айтиб ўтиш жоиз.

Паспортимизнинг жаҳон давлатларида тан олиниб, фуқароларимиз хорижий мамлакатларда шу ҳужжат билан эркин юраётганлари ҳақида кўп гапирганмиз.

Паспорт ислоҳотини амалга оширишда ички ишлар ходимларига вилоят, туман ва шаҳар ҳокимликлари, қишлоқ фуқаролар йиғинлари, маҳалла қўмиталари яқиндан ёрдам бердилар.

**– Келгуси йил 1 январгача айрим сабаблар туфайли собиқ шўролар давлати паспортини алмаштириб олмаганлар ҳам топилиб қолса-чи?**

– Бизнингча беш йил муддат оз эмас ва ҳеч қандай сабаб ёки баҳонага ўрин қолмайди. 2000 йил 1 январдан собиқ СССР паспорти ўз кучини йўқотади ва ҳеч қандай ҳужжат ҳисобланмайди. Фуқароликни тасдиқловчи ҳужжат бекор қилингандан кейин, унинг эгаси ҳам фуқаролигини йўқотади. Ҳеч қаерда фуқаролиги бўлмаган шахсни фуқароликка қабул қилиш ёки тиклаш учун кўп оворагарчиликлар, қоғозбозликлар зарур бўлади. Шунинг учун республикамиздаги эски паспортларини алмаштиришга улгурмаган фуқароларимиз тезда ҳаракат қилиб, айни кунларда янги паспорт олишлари шарт эканлигини эслатиб қўймоқчиман.

Яна шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, шу йил 5 декабрь куни ўтадиган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, вилоят, туман ва шаҳар кенгашлари депутатларига сайловларда ва 2000 йил 9 январда ўтадиган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида иштирок этадиган сайловчилар Ўзбекистон Республикасининг паспорти билан овоз берадилар.

Шунингдек, 25 ва 45 ёшга етган фуқаролар ҳам ўз вақтида суратга тушиб, янги паспорт олишлари шарт. Муддати ўтган паспорт ҳақиқий ҳисобланмайди.

**– Паспорт тизимининг муаммоли масалаларидан бири фуқароларнинг вақтинчалик ёки доимий яшаш жойларида қайддан ўтишлари. Шу ҳақда ҳам тўхталиб ўтсангиз.**

– Тўғри айтдингиз, МДҲ ва хорижий давлатлардан келиб, ўз вақтида яшаш жойидан қайддан ўтмай юриш беэътибор қолдирадиган ҳолат эмас. Халқ таъбири билан айтганда, шаҳар бедарвоза эмас. Республикамизга келиб-кетадиганлар назоратда бўлиши керак. Бунинг учун эса улар ишлашга келадими, хизмат сафари билан ташриф буюрадими, меҳмон бўладими, албатта вақтинча ёки доимий қайддан ўтиши шарт. Шу йилнинг ўтган даври мобайнида 1654 нафар МДҲ ва 37 нафар хорижий давлатлар фуқаролари мамлакатимизнинг амалдаги паспорт тизими қонунини қўпол равишда бузганлиги учун республикамиздан чиқариб юборилди.

Шунингдек, республикамиз фуқаролари ҳам бир вилоятдан иккинчисига уч кундан ортиқ муддатга меҳмонга борсалар, хизмат сафарида бўлсалар ёки бир йўла кўчиб ўтсалар албатта, тезда ички ишлар идораларига маълум қилиб, вақтинчалик ёки доимий яшаш жойида қайддан ўтишлари керак. Бироқ, айрим фуқароларимиз бу қоидага амал қилмай, ойлаб, ҳатто йиллаб бошқа вилоятларда яшаб юрадилар. Биргина сентябрь ойининг ўзида ана шундай қоидабузарларнинг 11 мингдан ортиғи аниқланиб, тегишли чоралар кўрилди.

Шу ўринда хорижий давлатлардан келган фуқароларни фирма ёки қўшма корхоналарда ишга қабул қилган мутасадди раҳбарларнинг ҳам паспорт тизими қоидаларини қўпол равишда бузаётганларини айтиб ўтиш жоиз. Мутахассис сифатида келган хорижликлар ўз вақтида яшаш жойида қайддан ўтиши ва визаси тугагандан кейин яна ҳужжатларни расмийлаштириш зарурлигини била туриб бунга амал қилмайдиганлар ҳам топилади.

**– Салоҳиддин Асомиддинович, айрим давлатларда бир фуқаро икки, ҳатто уч давлатнинг фуқаролигини қабул қилишига йўл қўйилади.**

– Саволингизни тушундим. Ҳақиқатан ҳам шундай. Масалан, Россия фуқароси яшаш жойида рўйхатдан ўчмай туриб бошқа давлатга бориб, ўша давлат фуқаролигига ўтиши мумкин. Бизда эса бундай эмас. Ўзбекистон Республикаси Конституциясида "Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида ягона фуқаролик ўрнатилади" деб қайд этилган. Бошқа давлатнинг фуқаролигини қабул қилган шахс Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигига, фақат ўша давлат фуқаролигидан чиққандан кейин қабул қилиниши мумкин. Бу борада яқинда Украина ва Ўзбекистон Республикалари ўртасида тузилган келишувни мисол қилиб келтириш мумкин. Келишувга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси фуқароси Украина Республикасининг фуқаролигига қабул қилинмайди ёки аксинча.

Суҳбатни якунлай туриб фуқароларимизга паспорт тизими қоидаларига қатъий риоя этишларини ва уни бузганлар амалдаги қонунлар бўйича жавоб беришларини эслатиб ўтмоқчиман.

**– Мазмунли суҳбатингиз учун раҳмат.**

**Садриддин ШАМСИДДИНОВ суҳбатлашди.**

Postda • Postda • Postda • Postda • Postda • Postda • Postda • Postda • Postda • Postda • Postda • Postda • Postda • Postda • Postda • Postda • Postda • Postda • Postda •

## ИСТИҚЛОЛ ОДИМЛАРИ

+ Ўрта Осиё ва Қозоғистон Республикалари ёш олимларининг "Фалсафа. Маданият. Инсон" мавзуидаги минтақавий фалсафий ўқиши 1991 йил ноябрь ойида бўлиб ўтди.
+ АҚШдаги биринчи ўзбек анъанавий мусиқа кунлари 1991 йил ноябрь ойида ўтказилди. Унда Ўзбекистон халқ артисти Дилафрўз Жабборова, республикада хизмат кўрсатган артистлар Муножот Йўлчиева ва Шавкат Мирзаев, бахши шоир Қаҳҳор Раҳимов, мусиқачилар Турғун Алиматов ва унинг ўғли Алишерлар Нью-Йорк, Вашингтон, Миннеаполис, Минесота, Сан-Францискода концерт дастурини намойиш этишди.
+ Ўзбекистондаги "Ўзсипара" ўзбек-эрон қўшма корхонаси 1992 йил ноябрь ойида Тошкентда тузилди.
+ Ўзбекистондаги тадбиркорлик ва ташқи иқтисодий алоқалар институти 1992 йил ноябрь ойида Тошкентда очилди.
+ Ўзбекистон журналистлар уюшмаси 1992 йил ноябрь ойида халқаро журналистлар ташкилотининг тўла ҳуқуқий аъзоси бўлди.
+ Республикамиздаги биринчи темирчилик маҳорати музейи 1992 йил ноябрь ойида Бухорода очилди.
+ Қанд ишлаб чиқаришга мўлжалланган биринчи ўзбек-турк қўшма корхонаси 1993 йил 3 ноябрда Хоразм вилояти Хазорасп туманида барпо этилди.
+ Ўзбекистон Фанлар Академияси томонидан таъсис этилган Ал-Хоразмий номидаги олтин медални республикамизда илк бор ижтимоий ва техника фанлари соҳасида эришган катта ютуқлари учун 1993 йил 4 ноябрда К. Фозилов олишга муваффақ бўлди.
+ Марказий Осиё давлатлари ва халқлари экологик хавфсизлигига бағишланган халқаро симпозиум 1993 йил ноябрь ойида Тошкентда ўтказилди.
+ Ўқитувчиларнинг биринчи республика танлови 1993 йил ноябрь ойида бўлиб ўтди.
+ Сурхондарё вилояти ҳудудида қадимги Бақтрия тарихий ёдгорликларини қидириб топиш бўйича қидирув ишларини олиб бораётган ўзбек-француз қўшма археологик экспедицияси ўзининг биринчи мавсумини 1994 йил ноябрь ойида ниҳоясига етказди.

# ИНСОН БИР МАРТА АДАШАДИ

Диний экстремистик оқим таъсирига тушиб қолган ўн саккиз ёшлардаги йигит билан суҳбат ўзимга ҳам анча кун тинчлик бермади. Оилада катта ўғил экан. Муродилла исмли бу йигит мактабни битириб, ўқишга кира олмайди. Отаси эрта оламдан ўтган, онаси уч бола билан қолиб, қийинчилик билан фарзандларини боқиб, тарбия қилаётган экан. Табиатан вазмин, қувлик, шумликни билмайдиган бу йигитни қўшниларидан бири ҳузурига чақиради, бироз турмуш қийинчиликларидан сўз очиб, унга ёрдам беришини айтади. Ҳунар мактабида ўқиётган Муродиллага ёнидан пул бериб сердаромад жойга ишга киритиб қўйишга ваъда беради. Ўзини диний ақидаларнинг, аниқроғи ислом ақидаларининг билимдони сифатида кўрсатган, маҳаллада тақводор сифатида танилган киши Муродиллани секин-аста ўзига яқинлаштира бошлайди. Аввалига диний илмлардан сабоқ бера бошлаган "устоз" кейинчалик, унинг миясига давлат сиёсати, турмуш қийинчиликлари ҳақидаги сафсаталарини қуя бошлайди. Бу тақводордан ибодат усулларини, суннат, фарз амалларини ўрганиш учун келган Муродиллани ҳаммани исломга киргазиш, ислом давлати қуриш, ҳамкорликни қайта тиклаш, динга кирмаган, номоз ўқимаганларга аёвсиз бўлиш каби "улуғ савобли" ишларда қатнашишга даъват этади. Йигитнинг онгини заҳарлашга ўтган киши энди, амалий ишларда иштирок этишга ундайди. Бир куни уни ўзи каби икки-уч нафар "ислом дини ҳимоячилари" йиғилган жойга олиб боради. Улар Муродиллага бир қанча варақа бериб, тарқатишни буюришади ва агар ҳаммасини тарқатиб улгурса оиласининг бир йилга етгулик рўзғорини кўтарадиган пул беришларини айтадилар. Варақадаги гапларни ўқиб, мағзини чаққан Муродилла, бу даъватлар кишиларни муқаддас ислом динига кириш, уни мустаҳкамлаш учун эмас, бузғунчиликка етаклашини англайди ва варақаларни тарқатмай яшириб қўяди. Уни изма-из кузатиб юрган қўшниси, агар варақаларни тарқатмаса, оиласига мудҳиш кўнгилсизликлар келишини айтади. Икки ўт орасида қолган Муродилла бу гаплардан онасини воқиф этади. Бутун умри ҳалол меҳнат билан ўтаётган муштипар онаси, тезда варақаларни олиб, милицияга боришни маслаҳат беради. Муродилланинг экстремистик кайфиятдаги кишилар орасига тушиб қолганини тушуниш қийин эмас. Мен унинг яна ҳунар мактабида ўқишни давом эттиришига ёрдам бердим, яқинда эса уни ҳарбий хизматга чақиришди.

Бу мисолни келтиришдан мақсад ҳозирги кунда Муродиллага ўхшаб, диний экстремистик оқимларга тушиб қолаётган ёшлар учраб турибди. Катта ваъдалар, пул билан алдаб, ўз ниятларини амалга ошириш учун ёшлар онгини заҳарлаб, улардан фойдаланишга уринаётган "ислом дини ҳимоячилари" барча бузғунчилик ишларини бировнинг қўли билан амалга ошириб, ўзлари четда қоладилар. Алданган ёшлар эса жавобгарликка тортилади.

Халқимизда эгилган бошни қилич кесмайди, деган нақл бор. Ўз хатосини тушуниб, кетаётган йўлининг хатарли ва хавфли эканлигини англаб, вақтида бу йўлдан қайтиб, кечирим сўраб келганларни ҳуқуқ-тартибот идораларида афв этиляпти. Афсуски, айрим ёшларимиз кечирим сўрашни ўзларига ор билиб, жиноий жавобгарликка тортилиб, жазо муддати ўташга мажбур бўлишяпти.

Адолат қарор топган давлатимизда билмай, тушунмай қилган жиноятини яширмай, ўз вақтида ички ишлар идораларини хабардор қилиб, айбига иқрор бўлганларга нисбатан ҳам жазо қўлламаслик мумкинлиги Ўзбекистон Республикасининг ЖКда кўрсатиб ўтилган. Бу ўринда ота-оналар, маҳалла фаоллари билмай жиноят йўлига қадам қўйган ёшларни ўз вақтида билиб, унинг олдини олиб, ҳуқуқ-тартибот идораларига маълум қилсалар, қўлланиладиган жазо чоралари енгиллашишини, ҳатто афв этилишини билиб қўйишлари керак.

Президентимиз Ислом Каримов айтганларидек, биз кечиримли халқмиз. Қилган қонунбузарлиги, қоидабузарлиги, жинояти учун пушаймон бўлиб, ички ишлар идораларига ёзма равишда ариза берса жазо чоралари кўрилмаслиги мумкин.

Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек тумани ИИБ ходимлари томонидан амалга оширилган тезкор тадбирлар натижасида июль-октябрь ойларида қирққа яқин диний экстремистик оқимдаги шахслар аниқланди. Уларнинг бир қисмига жиноий иш қўзғатилди ва бир қисми туман суди томонидан маъмурий жазога тортилди.

Андижон вилоятидан келган М. Муҳаммадқодир Тошкент шаҳрида ўзига ҳаммаслаклар топади. Улар бузғунчилик кайфиятини даъват этган варақаларни тарқатиб юрганларида милиция ходимлари қўлга олдилар. Мисолларни яна келтириш мумкин. Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, диний экстремистлар ўз ниятларини ижобат этиш учун қандай йўл тутмасинлар, ички ишлар идоралари ходимлари уларни, албатта, қўлга оладилар. Чунки, кенг жамоатчилик, халқимиз жамиятимиздаги бундай иллатларга қарши курашни биргаликда олиб боряптилар.

Аҳоли ўртасидаги тушунтириш ишларимиз ижобий натижалар беряпти. Маҳалла фуқаролар йиғинлари профилактика инспекторлари билан биргаликда ишлаб чиққан тадбирлари асосида маҳаллаларда, мактабларда бўлиб, суҳбатлар ўтказишяпти.

Инсон бир марта адашди. Албатта, билмай, тушунмай қилинган хатони кечириш мумкин. Бироқ, жамиятга, кўпчиликка, инсонларга катта зарари, хавфи борлигини била туриб, ўз манфаатини устун қўйиш, арзимаган пул, бойлик учун халқини, Ватанни сотиб, жиноятга қўл урганни кечириб бўлмайди. Ёшларимизни ана шундай, мудҳиш ишлардан Яратганнинг ўзи асрасин.

**Сафарбой ЖУМАНИЁЗОВ,**
**милиция подполковниги.**

ДАН ҳаётидан

# МАСЪУЛИЯТНИ УНУТГАН ҲАЙДОВЧИЛАР

Азалдан спиртли ичимликларнинг инсонларга зарари қаттиқ қораланган. Буни буюк алломалар ҳам турлича ифодалашган. Улардан бири ичкилик ёвузлик сабабчиси деса, иккинчиси уни ваҳшийлик сари етакловчи жаллод дея таърифлайди. Учинчи бир аллома эса одамлар қалбини ва уларнинг авлодини нобуд қилувчи, дейди... Ҳақиқатан ҳам ичкилик инсонни ҳалокатга етакловчи оғудир. Содир бўлаётган жиноятлар ҳам, йўл-транспорти билан боғлиқ бўлаётган ҳалокатлар ҳам спиртли ичимлик туфайли рўй бермоқда. Афсуски кўпгина кишилар ўзларининг ҳайдовчилик масъулиятини унутишиб, спиртли ичимлик истеъмол қилган ҳолда транспортга ўтиришади. Оқибатда бегуноҳ бир инсоннинг ҳаётига зомин бўлади.

Ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш айни кундаги энг долзарб вазифаларимиздан биридир. Шуни инобатга олиб, йўл-транспорти ҳодисаларининг олдини олиш мақсадида режа ишлаб чиққанмиз. Ушбу режага асосида қатор ибратли ишларни амалга оширмоқдамиз. Жамоа ва ширкат хўжаликларида, автокорхоналарда, ўқув муассасаларида турли учрашувлар, йўл ҳаракати қоидалари билан боғлиқ бўлган суҳбатлар ўтказиляпти. Жойлардаги мунтазам ўтказилаётган бундай тадбирлар ўз самарасини бермоқда. Аммо шундай бўлсада, кўпгина ҳайдовчилар ҳамон ўз бурчларини тушуниб етмасдан йўл-транспорти қоидаларини бузган ҳолда ҳаракатланишади. Рақамларга мурожаат қиладиган бўлсак, жорий йилнинг ўтган 10 ойи мобайнида саккиз мингга яқин қоидабузарлик аниқланди. Шундан бир қисми маст ҳолда транспорт воситасини бошқаришдир.

Маст кишига ёруғ кўча ҳам зулмат деганларидек, биз тилга олаётган "қаҳрамон"ларимиз ўз жамоаларининг илғорлари, маҳаллаларида обрў-эътиборга сазовор бўлган инсонлардир. Афсуски, улар бир қултум ичкилик деб, эл-юрт орасида изза бўлишдек ачинарли ҳолатгача борганлар. Улардан бири 1-кўчма механизациялашган қурилиш участкаси ҳайдовчиси Фарҳод Мадаминовдир. У ўзига бириктилган ЮМЗ-80 русумли тракторни ҳеч тап тортмай маст ҳолда бошқарган. Қишлоқ хўжалигини кимёлаштириш корхонаси тракторчиси Неъмат Ярашев ҳам ЮМЗ-80 русумли тракторни маст ҳолда ҳайдаб келаётганда тўхтатилди. Питнак шаҳрида истиқомат қилувчи Раҳим Шомуротов, Юсуп Саидназаров, Азамат Болтаев, ҳазорасплик Эгамберди Ўрозметов каби кўплаб шахсий транспорт ҳайдовчилари ҳам йиғим-терим мавсуми қизғин давом этаётган айни кунларда маст ҳолда транспортга ўтиришган. Бу ҳайдовчилар Питнак шаҳар МБ ДАНГ ЙПХ нозирлари, милиция старшинаси Баҳодир Ҳасанов, милиция кичик сержанти Эргаш Сапоев, милиция сафдори Равшан Матёқубовларнинг ҳушёрлиги туфайли ўз вақтида тўхтатилган.

Маст одам етти ухлаб тушига ҳам кирмаган ёмон ишларни қилиши мумкинлиги ҳақида кўп эшитганмиз. Бу нақадар ҳақ гап эканлигини ҳаётий воқеалар исботлаб турибди.

**Шавкат РАҲМОНОВ,**
**Питнак шаҳар МБ ДАНГ бошлиғи, милиция майори.**

# ТРАНСФОРМАТОР ЎҒРИЛАРИ

Баҳодир Хўжаевнинг келиб-келиб ишқи трансформаторларни ўмаришга тушди. Ўзи каби текинидан хазар қилмайдиган Саъдулла Остонов билан жиноий тил бириктириб, ишни пинҳона амалга ошира бошлади. Аввалига Ғузор туманидаги М. Ҳасанов номли жамоа ширкат хўжалигининг ҳудудида жойлашган давлат нархи 350 минг сўм баҳоланадиган электр трансформаторни ҳайдовчи Абдуназар Муродов бошқарувида бўлган ЗИЛ-130 русумли автомашинага юклашади. Ҳайдовчига кира ҳақи сифатида 15 минг сўм пулни беришади. Ўғирланган трансформаторни эса Косон туманида яшовчи Эшим Арабовга 114000 сўмга пуллайди. Қараса, оёқ остидан потирлаб даста-даста пул уюми пайдо бўлаяпти. Бундан севинган ҳамтовоқларнинг ўнгидаю тушида ҳам пул вентеляторнинг паррагидай айланаверди. Одамлар йиллаб топмайдиган ақчани бир кечада қуртдай санаб олгач, ошиғи олчи бўлиб, кечалари уйқуси қочадиган алфозга тушишди. Орадан йигирма кун ўтмай шериклар томоқларини тақиллатиб яна "ов"га чиқишди. Бу гал Қарши туманидаги "Насаф" жамоа ширкат хўжалиги майдонидан ўтувчи Қашқадарё қирғоғида ўрнатилган трансформаторни ечиб, ёлланган машинага юклашиб Косон туманидаги "Турон" жамоа ширкат хўжалигида яшовчи Бекмурод Қўчқоровга 50 минг сўмга пуллашади.

Баҳодирнинг куни туғди. Трансформаторга куни қолганлар кўп экан. Буюртмачилар пана-пастқамда унинг қулоғига шивирлайдиган бўлди. Бу гал у ҳамтовоғи Саъдулла Остоновга тегишли 10-06 КФМ давлат белгили машинага юклатиб Косон туманидаги Бобур номли жамоа ширкат хўжалиги даласида жойлашган нархи 110 минг сўмлик бўлган электр трансформаторни фуқаро Азим Нурматовга қарзи эвазига топширадилар. Бу ўйин икки ҳамтовоққа жуда хуш ёқарди. Туйқусдан осмондан чалпак ёғилгандан кейин улар чапак чалмай кимлар чалсин? Шу йилнинг январь ойи охирларида шериклар Косон туманидаги "Ўзбекистон" жамоа ширкат хўжалиги даласида ўрнатилган трансформаторни фуқаро Саъдулла Набиевга 58 минг сўмга арзон-гаров пуллайдилар. Баҳодир анойи эмас. Хамир учидан патир қабилида шеригига 5 минг сўмини чўзади. Орадан яна икки ҳафта ўтар-ўтмас улар яна юқоридаги хўжалик даласидаги трансформаторни ўғирлаб уни фуқаро Эшпўлат Тўхтаевга 40 минг сўмга сотишади. Анойи Саъдуллага эса қўл учи қабилида 5 минг сўм чўзади.

Ҳамтовоқларнинг иши кундан кунга "юришарди". Энди ўғирликни ой ёки ҳафта эмас, икки-уч кун ўтмай амалга оширишга тушишди. Кундузи трансформатор жойлашган майдонни кузатиб, кечқурун Саъдулланинг машинасида овга чиқишарди. Савдони Баҳодирнинг ўзи амалга оширгани учун ҳам Саъдулла тушадиган тушумнинг озлигидан ранжимасди. Косон туманидаги Некуз қишлоғида яшовчи Фурқат Зоҳировга тегишли бўлган электр трансформаторни ўғирлаб Косон туманидаги Бойтерак қишлоғида жойлашган масжидга яшириб қўйишади.

Аммо бу сафарга уриниш улар бошига катта қайғу кўланкасини ташлади. Баҳодир Хўжаев ҳамтовоғи Саъдулла Остонов ва унинг жияни Бобур Ражабовлар билан Ғузор туманидаги А. Турсунов номли жамоа ширкат хўжалиги даласидан нархи 110 минг сўм баҳоланадиган электр трасформаторни машинада юклаб йўлга чиқишади. Улар Баҳодирнинг таниши бўлган фуқаро Ҳусниддин Қурбоновнинг уйига олиб келганларида Қарши тумани ички ишлар бўлими ходимлари ушбу гуруҳ йўлига тўсиқ қўйишга улгуриб бўлганди. Улар бундан ташқари яна бир неча бор трасформаторларни ва уларнинг эҳтиёт қисмларини гумдон қилиб ўзгаларга катта миқдорда моддий зарар келтирганди. Тергов жараёнида Қарши тумани ички ишлар бўлими терговчиси, милиция капитани Тўйчи Абруев жиноий шерикларнинг турли ўйинларига тўғри "ташхис" қўйди. Ҳамтовоқлар суд ҳукми билан турли муддатларга озодликдан маҳрум этилди. Текинтомоқлик ҳамиша қўли эгри шахсларга қимматга тушган. Иккинчидан, яна бир мулоҳаза. Кўпгина электр трансформаторлар очиқ далада теварагни муҳофаза қилинмаган ҳолда қаровсиз қолдирилмоқда. Бугунги кунда тадбиркорликда электр трансформаторларининг ўрни сезилмоқда. Шундай экан, ҳар бир мулк эгаси бепарволикка йўл қўймаслиги шарт. Ўзингни эҳтиёт тут, қўшнингни ўғри тутма, деган нақлга амал қилинса фойдадан холи бўлмайди.

**Ўроз ҲАЙДАРОВ,**
**милиция майори.**

# РЕСПУБЛИКА ИИВ "ҚЎРИҚЛАШ" БИРЛАШМАСИ ХАБАРЛАРИ

*Бекорчи, иш жойининг тайини бўлмаган шахсга нисбатан "бекорчидан худо безор", деган ибратли ҳикмат бор. Маблағсиз, бекорчиликдан ўзини қўярга жой тополмай, дайдиб юрган кимсани хаёлига ўғирлик ёки бошқа нобоб ишдан бошқа нима ҳам келарди. Иш жойининг тайини бўлмаган И. Х. ҳам ана шундай такасалтанглардан бири эди. Бирор ижтимоий фойдали меҳнатга бўй бермаган, бекорчиликка ўрганиб қолган И. Х. пул топиш хирсида ҳаром ишга қўл урди. У тунда Қўқон ёғ-мой комбинатидан 550 кг совун суюқлигини ўғирлаб чиқиб кетаётганида, шаҳар қўриқлаш бўлинмаси ходимлари томонидан ушланди. Ундан 11 минг сўмлик совун маҳсулоти мусодара қилинди.*

***

*Наманган тумани Ирвадон қишлоғида яшовчи А. Т. исмли шахс туман ИИБга келиб тунда номаълум шахслар Мирғойиб Эшон масжидидан 4 дона гилам, 2 дона микрофон, жами 90880 минг сўмлик буюмларни ўғирлаб кетишгани ҳақида хабар қилди. Ҳуқуқ-тартибот ходимларининг саъй-ҳаракати натижасида ўғирлик жиноятини содир этишда О. С. ва илгари судланган К. Т. ушланиб, милиция бўлимига келтирилди. "Ўрганган кўнгил ўртанса қўймас", деганларидек қамоқхона ҳавосини олган К. Т., яна бир бор қалтис ишга қўл урганлиги ошкор бўлди.*

***

*Самарқанд вилояти Иштихон тумани ИИБ навбатчилик қисмига икки фуқаро келиб, бирининг омборхонасидан 100 килограмм ғалла ўғирлаб кетилгани, иккинчисининг уйидан уч кун бурун икки ярим яшар сигири ғойиб бўлганлиги ҳақида ариза билан мурожаат қилишди. Туман ички ишлар идораси ходимларининг чора-тадбирлари ниҳоясида, ўзгалар мол-мулкига тажовуз қилган ўғрилар фош қилинди. Суриштирувда буғдой ўғриси Х. Д. аввал судланганлиги, мол ўғриси Н. У. иш жойининг тайини йўқлиги маълум бўлди. Қилмиш-қидирмиш, деганларидек икки баднафс жазо олиши тайин. Қонунбузарларни аниқлаш ва ушлашда туман қўриқлаш бўлими ходимлари Х. Туйғунов ва С. Очиловлар қатнашди.*

***

*Таркибида гиёҳвандлик моддалари бўлган ўсимликларни ғайриқонуний равишда экиш, парваришлаш ва сотиш қонун томонидан қатъий тақиқланади.*

*Қашқадарё вилояти Ғузор тумани ИИБ ходимлари томонидан ўтказилган тадбир пайтида Э. Н. исмли шахс уйида гиёҳвандлик моддалари сақлаётгани ҳақида тезкор маълумот олинди. Хонадон соҳибининг уйи текширилганда, шубҳага ўрин қолмади. Унинг уйидан сал кам 2 килограмм кўкнори бошоқлари топилди. Тадбирда қўриқлаш бўлинмаси милиционери У. Эргашев фаол қатнашди.*

***

*Жиноят йўли билан топилган бойликнинг қут-баракаси бўлмайди. У қанчалик тез топилса шунчалик тез йўқолиб, қонунбузарга кулфатлар ёғдиради, қавму қариндош, эл-юрт олдида шарманда қилади. Жарқўрғон тумани ИИБ ходимлари томонидан ўтказилган "Тозалаш" тадбирида иштирок этаётган туман ИИБ ва қўриқлаш бўлими ходимлари Т. Сафаров, И. Шарипов, Х. Мукимов, А. Тангатовлар Боботоғ чегара постида чамаси 24 ёшлардаги номаълум шахснинг қўрқувдан ер чизиб келаётганидан гумон қилиб уни тўхтатишди. Гумондорнинг бежо ҳаракати-ю, ҳуқуқ-тартибот ходимларидан кўзини олиб қочиши бежиз эмас экан. Тожикистонлик фуқаро М. Б. нинг ёнидан роппа-роса 750 грамм героин олинди.*

***

*Заргарлар ишлаб чиқарган нафис, бежирим буюмларнинг хилма-хиллигию, ранг-баранглигидан ҳавас қиласан, киши. Заргарлик буюмлари аёлларнинг ҳуснига ҳусн, латофатига латофат қўшиши ҳеч кимга сир эмас. Наманган вилоятининг Давлатобод туманида яшовчи аёл И. С. ни чиройига чирой қўшиб турган 55 минг сўмлик тилла занжирини номаълум шахс 3-кичик туманда юлиб олиб қочиб кетганлиги ҳақида хабар тушди. Ўз ишининг устаси бўлган жиноят-қидирув ходимлари ва қўриқлаш бўлинмаси милиционери Х. Раҳмоновлар мазкур жиноятни содир этган Р. О.ни қисқа вақт ичида топиб, қўлга олишди.*

**Рустам ТУРҒУНОВ,**
**милиция капитани.**

Спорт

# КАТТА ФУТБОЛ БИЛАН ХАЙРЛАШУВ

Футбол бўйича Ўзбекистон биринчилигида қатнашаётган 2-лига жамоалари ўртасида Фарғона вилояти ИИБ "Динамо" жамоаси ҳам муваффақият қозонмоқда. Жамоа асосан ички ишлар идораларида хизмат қилаётган ходимлардан иборат. Маълумки, жамоа аъзолари милиция генерал-майори Комилжон Ғофуров хотирасига бағишлаб ўтказилаётган мусобақаларда иштирок этиб, совринли ўринларни қўлга киритмоқдалар. 1994–1995 йилларда ушбу жамоа турнир чемпиони бўлди.

Яқинда мазкур жамоанинг иқтидорли ўйинчиларидан бири катта футбол билан хайрлашди.

Вилоят ички ишлар бошқармаси бўлим бошлиғининг ўринбосари, милиция капитани Набижон Усмонов "Динамо" жамоасининг дарбозабони эди.

Марғилон шаҳридаги "Меҳнат" футбол ўйингоҳида ўтказилган "Турон" – "Динамо" жамоалари ўртасидаги ўйин чоғида Набижоннинг катта футбол билан хайрлашуви бўлди.

Вилоят ИИБ "Динамо" жамияти раиси ўринбосари, милиция майори Неъматжон Кенжабоев Набижон Усмоновга кўп йиллик чиройли ўйинлари учун қимматбаҳо совғани топширди.

Марғилон шаҳар ИИБ раҳбарияти ва шахсий таркиби номидан сўз олган шаҳар ИИБ ЖООБ бошлиғи, милиция майори Юнусали Абдуллаев ҳам спортчига қимматбаҳо совға тақдим этди.

– Мен бугунгидек катта ҳурмат билан футбол билан хайрлашаман, деб сира ўйламагандим, – дейди Н. Усмонов ранго-ранг гуллар қучоғида қувончини ичига сиғдиролмай. – Бу ташкилотчилик учун вилоят ИИБ раҳбарияти, жамоадошларим ва "Динамо" жамияти раҳбарларига чексиз миннатдорчилигимни билдираман. Ўйлайманки, жамоамиз ҳар доим чиройли ва интизомли, шиддатли ўйин кўрсатишдан толмайди. Мен шуни истардим. Қолаверса, тренерларимиз Абдували Абдуллаев Ҳакимжон Ҳазратқуловларга ҳам ўз ташаккуримни изҳор этаман. Жамоанинг аҳиллиги ва шиддатли ўйинларида уларнинг хизматлари беқиёс.

**М. КИМСАНБОЕВ.**

# БОЛАНИНГ ЯҚИНЛАРИ БОРМИ?



**Тошкент вилояти ИИБ Янгийўл шаҳар вояга етмаганларни қабул қилиш ва тақсимлаш-транзит муассасасига милиция ходимлари томонидан** олиб келинган ўғил боланинг ота-онаси ва қариндош-уруғлари қидирилмоқда. У билан ўтказилган суҳбат чоғида ўзини **Муродов Зулҳайдар** эканлиги ва 1-синфда ўқишини билдирди. Ота-онаси ва яшаш жойи ҳақида маълумот бера олмади.

**Белгилари**: бўйи 120-125 см, кўзлари қора, қадди-қомати ўртача, қошлари сийрак, сочи қора, калта, қозоқ миллатига мансуб.

**Кийимлари**: эгнида кулранг жемпер, кўк трико, оқ футболка, оқ труси, оёғида жигарранг шиппаги бор.

**З. Муродовнинг ота-онаси ёки қариндош-уруғларидан Янгийўл шаҳар вояга етмаганларни қабул қилиш ва тақсимлаш-транзит муассасасига мурожаат этишларини сўраймиз.**

**Навоий вилояти божхона бошқармаси республикадаги энг кўзга кўринган ҳудудий божхона бошқармаларидан биридир. Бошқарма шахсий таркиби ўз олдига қўйилган асосий вазифаларни ой сайин шараф билан бажариб, ташқи иқтисодий фаолият қатнашчиларига амалий ёрдам бериб келмоқда. Вилоятдан хорижга ва чет эллардан вилоятга олиб келинадиган юкларни ўз вақтида расмийлаштириб беришда Божхона кодекси, Бож тарифи тўғрисидаги қонунларга, ҳукуматнинг тегишли қарор ва бошқа меъёрий ҳужжатлари талабларига қатъий амал қилиб иш юритилмоқда. Яқинда вилоят божхона бошқармаси шахсий таркибининг тезкор йиғилишида жорий йилнинг ўтган даври мобайнида қилинган ишлар таҳлил этилиб, яқин келажакда амалга ошириладиган тадбирлар келишиб олинди. Биз йиғилишдан сўнг бошқарма бошлиғи, божхона хизмати подполковниги Баҳодир Давлатов билан учрашиб, у кишига бир неча саволлар билан мурожаат этдик. Қуйида ана шу суҳбат тафсилоти билан танишасиз.**

Божхона хизмати

# ИЗЛАНИШ ВА ҲАМКОРЛИК САМАРАЛАРИ



Навоий вилояти божхона бошқармаси бошлиғи, божхона хизмати подполковниги Б. М. Давлатов.

**– Баҳодир Мирфайзиевич, бошқарма бошлиғи лавозимида хизмат қилаётганингизга ҳам қарийб икки йил бўлиб қолди. Ана шу даврда божхона тизими фаолиятида қандай ўзгаришлар юз берди?**

– Умуман соҳани оладиган бўлсак, ана шу вақт ичида божхона тизими ўз ҳуқуқий асосларига таяниб фаолият кўрсатишга ўрганиш босқичидан ўтди. 1998 йил бошида "Бож тарифи тўғрисида"ги қонун, ўша йилнинг 1 мартидан "Божхона кодекси" амалга киритилди. Албатта, янги қонунлар талабларини ҳаётга татбиқ этиш ва уларга амал қилиб иш юритиш ўз-ўзидан бўлмайди. Аввало, ўша қонунлар талаблари тўла бажарилишини талаб қилувчи божхона ходимларининг ўзлари бунга тайёр бўлишлари керак. Бу борада республика Давлат божхона қўмитаси раҳбарияти ва мутахассислари, шу билан бирга ҳар бир ҳудудий бошқарма ходимлари алоҳида жонбозлик кўрсатдилар. Биринчи навбатда мазкур ҳужжатларни божхона ходимлари ўртасида ўрганиб чиқишга, алоҳида ҳолатларда уларни қўлланиш хусусиятларини ўзлаштиришга жиддий эътибор бердик. Иш жараёнида юз берган айрим тушунмовчилик ва камчиликлар ҳамда муаммоларни тегишли ҳуқуқни ҳимоя қилувчи идоралар ҳуқуқшунос мутахассислари билан маслаҳатлашиб ечиб бордик. Шу боис, бирор масалани ҳал этишда қонунчилик талабларига қўпол бузилиш ҳолатларига йўл қўймадик.

Вилоятимизнинг Қозоғистон билан туташ чегараси 700 чақиримдан зиёдроқ масофани ташкил этади. Ана шу чегарада транспорт воситалари қатнайдиган қумли йўллар сони мингдан зиёд. Илгари чегара постлари сони саноқли бўлиб, улар бир ҳафта ишлаб, бир ҳафта дам олар эдилар. Юқори ташкилотимиз мутахассислари билан бамаслаҳат божхона постлари таркибий тузилишига муайян ўзгаришлар киритдик. Бугунги кунда 4 та чегара божхона пости ходимлари сменаларга бўлиниб, бешта божхона пости навбат билан ишлаш тартибига ўтказилди. Ҳар бир навбатнинг ўз чегаралари белгилаб берилди. Бу билан биз хизматни кеча-ю кундуз ўташ тартибига ўтиб, чегаранинг маълум бир бўлаги ҳафталаб очиқ туришига чек қўйдик. Навбатлар ҳафта сайин бир-бирини алмаштириб туради. Ҳар бир навбат ўз раҳбарига, катта инспектор, кичик-инспектор-кинологи ва кичик инспектор ҳайдовчисига эга. Таркибий ўзгариш асосан белгилаб берилган штат жадвали бирликлари доирасида амалга оширилди.

Бундан ташқари, ҳаракатдаги постларимиз илгари ҳафта давомида хизмат машинаси ичида ишлаб, дам олиб, ҳаёт кечирарди. Бу шароит улар учун ўта ноқулай эди. Шуни ҳисобга олиб, ички имкониятларимиздан келиб чиққан ҳолда ҳашар йўли билан икки жойда божхона пости учун бино қурдик ва икки жойга барча шароитлар яратилган вагон-уйчалар қўйдик. Уларга электр энергияси олиб келиш, алоқа воситалари ўрнатиш чораларини кўраяпмиз. Бошқарма маъмурий биноси ҳовлисида хизмат автомашиналарини сақлаш ва таъмирлаш учун айвонлар қуриб, ишга туширдик. Зарафшон божхона назоратини ўтказиш комплекси ҳовлисида хизмат итлари сақланадиган ва боқиладиган махсус бинони қуриб, фойдаланишга топширдик. Шунингдек, маъмурий бино ҳовлисида теннис ва волейбол ўйналадиган, ходимларни жисмонан чиниқтиришга хизмат қиладиган спорт майдони қурилди.

Ўтган вақт ичида шахсий таркибнинг онги ва фаолиятида юз берган ўзгаришларни бирор бир мезонга солиб айтишим қийин. Фақат бир нарсани айтишим мумкин: айни пайтда шахсий таркибдаги ходимларнинг 85 фоизи олий маълумотли, жумладан, 14 фоизи ҳуқуқшунос, 24 фоизи иқтисодчи ихтисосига эга. Ходимларимиздан 5 нафари бугунги кунда иккинчи мутахассислик олиш учун институтларда сиртдан таҳсил олмоқда. Яқин икки йилда вилоятимиздан 15 нафар ёш йигит-қиз ДБҚ ҳузуридаги божхона коллежига ўқишга кирганлари келажакда бизнинг етук кадрларга бўлган эҳтиёжимизни қондиради, деб ўйлаймиз.

**– Ўтиш даври деб аталаётган ҳозирги кунларда кўпчилик ишлаб чиқариш корхоналари жиддий молиявий қийинчиликларни бошларидан кечираяптилар. Бу ҳол божхона тўловлари ва бошқа тушумларга таъсирини кўрсатмаяптими?**

– Саволингизнинг моҳиятини тушундим. Аммо божхона тўловларини тўлаш мажбурий эканлигини алоҳида таъкидлаш керак. Мулкчилик шаклидан қатъи назар, божхона чегарасидан товар ёки транспорт воситаларини олиб ўтувчи жисмоний ва юридик шахслар ҳукумат томонидан белгилаб қўйилган тўловларни ҳужжатларда аниқ белгилаб берилган миқдордаги маблағни тўлаши шарт. Бу тўловлар республика бюджетининг маълум бир қисмини тўлдиришдан ташқари, ички бозорни ҳимоя қилишга ҳам йўналтирилган. Тўлов қобилияти чегараланган давлат аҳамиятига молик йирик корхоналарда ишлаб чиқариш жараёни, тўхтаб қолмаслиги учун божхона тўловларини маълум муддатга узайтириш борасида ҳукуматимиз зарур чоралар кўрмоқда.

Шунинг учун ўтган тўққиз ой мобайнида божхона тўловлари миқдори 1 миллиард 293,4 миллион сўмни ташкил қилди ва белгиланган истиқбол режаси 147,5 фоизга бажарилди. Шу даврда республика ҳукумати томонидан корхоналарга божхона тўловлари бўйича белгиланган имтиёзлар миқдори 994,1 миллион сўмни ташкил этди.

Тўққиз ой ичида 5097 та божхона юк баённомаси тўлдирилиб, вилоят корхоналарининг жуда кўплаб маҳсулотлари экспортга жўнатилди ва чет эллардан, МДҲлардан зарур хом ашё ва бошқа юклар олиб келинди. Умумий товар айланиши ҳажмининг асосий қисми юридик шахсларга тегишли. Товар оборотида жисмоний шахслар улуши бир фоизга ҳам бормайди. Ташқи иқтисодий фаолият билан шуғулланадиган корхоналар сони ўтган вақт ичида 66 тани ташкил этиб, божхона тушумлари, яъни тўловларининг асосий тўловчилари ўша ташкилотлардир. Бу тўловлар қўшилган қиймат солиғи, божхона божи, жисмоний шахслардан йиғим, акциз солиғи, мусодара қилинган товар-моддий бойликлар, турли жарима ва хизмат ҳақларидан иборат.

Албатта, божхонани айримлар, моддий бойликларни ноқонуний олиб ўтилишининг олдини оладиган идора деб тушунади, аммо бу иш фаолиятимизнинг бир бўлакчаси ҳисобланади, холос. Жорий йилнинг ўтган 9 ойида 11,5 миллион сўмлик ноқонуний олиб ўтилаётган товар-моддий бойликлар ушлаб қолинди. Расмийлаштирилган божхона юк баённомалари ва бошқа тўловлар бўйича ўтган вақт ичида 3 млрд. 689,5 миллион сўм ҳисобланган бўлса, унинг 3 млрд. 222 миллион сўми қўшилган қиймат солиғидан, 304 миллион сўми божхона божидан, 66,9 миллион сўми божхона хизмат ҳақидан, 75,5 миллион сўми акциз солиғидан иборат. Бундан кўринадики, божхона идоралари хизмат доираси – жуда кенг ва ранг-баранг бўлиб, у ҳар бир божхоначидан пухта иқтисодий билимни, теран ҳуқуқий тушунчани ва катта ташкилотчиликни, кечаю кундуз тиним билмай хизмат қилишни талаб қилади. Биз нимагаки эришган бўлсак, уни энг аввало тинимсиз изланиш ва ҳуқуқни ҳимоя қилувчи бошқа идоралар билан доимий ҳамкорлик самаралари, деб ҳисоблаймиз.

Ўтган 9 ой мобайнида, товар-моддий бойликларни божхона назоратини четлаб олиб ўтишга уринган 214 та ҳолат аниқланди. 16,4 тонна алюминий ва 7,7 тонна мисни Қозоғистон Республикаси Еттисой туманига олиб чиқмоқчи бўлган 103 нафар фуқаро, 1570 килограмм қуруқ сут, 401 дона хўжалик совуни, 250 килограмм чой, 29 тонна туз, 1230 литр ўсимлик мойини хорижлик "биродарларига" элтиб бермоқни кўзлаган 14 нафар фуқаро, 87 минг 100 сўмлик спиртли ичимлик ва 98 литр спирт маҳсулотини, 3 миллион 408 минг сўмлик турли номдаги фильтрли тамаки маҳсулотларини яширинча йўллар билан сотиш мақсадида олиб кирган 52 фуқаро қўлга тушди. Шу вақт ичида 23 та ҳолат юзасидан фуқароларга нисбатан жиноий иш қўзғатилиб, қонуний чора кўриш учун тегишлилигига кўра тергов органларига юборилди. Шу даврда 11 та наркотик моддаларнинг ноқонуний ҳаракати ва 2 та контрабанда ҳолати аниқланди. Божхона қоидалари талабларига риоя қилмагани учун 84 та юридик шахсга нисбатан тегишли чоралар кўрилди.



Вилоят божхона бошқармаси таркибидаги 1-сонли Навоий ташқи иқтисодий фаолият божхона пости божхона юк баённомалари расмийлаштириш ва божхона тўловлари бўйича энг катта масканлардан бири. Бу ерда барча иш жараёнлари компьютерлашган.
Суратда: пост инспектори К. Мўминов иш устида.

Биз тамаки маҳсулотлари ва рангли металлар ноқонуний олиб ўтилиши ҳолатларини асосан Давлат автомобиль назорати ходимлари билан ҳамкорликда аниқлаб, маҳсулотларни давлат фойдасига мусодара қилдик ва ҳуқуқбузарларга нисбатан қонуний чоралар кўрдик.

Масалан, божхона хизмати лейтенанти Неъматулла Маҳмудов, божхона хизмати старшинаси Улуғбек Ҳасановнинг ДАН йўл-патруль хизмати ходимлари милиция лейтенантлари Дониёр Қўлдошев ва Баҳриддин Халиловлар билан ҳамкорликда яқинда ўтказган тезкор тадбирлари натижасида Хоразмдан Тошкентга кетаётган "Икарус" русумли давлат рақамли 93-05 ХЗЕ бўлган автобус тўхтатиб текширилганда 6110 қути "FINE" номли акциз маркасиз 885,9 минг сўмлик фильтрли сигареталар ва 380 килограмм рангли металл парчалари олиб кетилаётгани аниқланди.

Худди шундай ҳамкорликда ўтказган тадбирлардан бирида 1974 йилда Бухоро вилоятида туғилган, айнан шундай хатти-ҳаракати туфайли божхона органлари томонидан жазоланган, Коғон шаҳрида яшовчи Гуландом Ғайбуллаева республикамизга ноқонуний равишда 303 минг сўмга баҳоланган 2170 қути акциз маркасисиз "FINE" сигареталарини олиб келаётгани аниқланди ва таркибида жиноят аломатлари бўлгани учун ҳуқуқбузарга нисбатан жиноий иш қўзғатилди. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Акциз маркасиз тамаки маҳсулотини республикамизга олиб кирган фуқароларнинг 90 фоизи, рангли металл парчалари ва чиқитларини ташқарига чиқаришга уринганларнинг аксарияти ҳамюртларимиздир. Ёмон томони: улар орасида хотин қизлар 30–40 фоизини ташкил этмоқда.

Биз ҳуқуқбузарлик ва қонунчилик талаблари бузилишига қарши кураш олиб борар эканмиз, аввало вилоят ички ишлар бошқармаси ходимлари кўмагига таянамиз. Божхона идоралари суриштирув органи бўлгани сабабли таркибида жиноят аломатлари бўлган материалларимиз асосан миллий хавфсизлик ва ички ишлар органлари терговчилари томонидан охирига етказилмоқда. Божхона ходимлари томонидан тузилган маъмурий ва жиноий ишларни кўриб чиқишда воқеа содир бўлган ҳудудлар судлари яқиндан ёрдам бериб, ҳуқуқбузарларга тегишли чоралар кўрмоқдалар.

Ишимиз барча йўналишларда бекаму кўст бораяпти, деб айта олмаймиз. Хориждан транспорт воситаларини олиб келиб, божхона тўловларини тўлашдан қочиш ҳолатлари ҳамон учраб турибди. Бундан ташқари фаолиятни янада кучайтириш учун бир қатор муаммоларга дуч келиб қолаяпмиз.

Энг асосийси, фаолиятимиздаги ожиз жойларимизни ўзимиз яхши биламиз. Божхона тизими малакали ҳуқуқшунос ва иқтисодчи кадрлар билан тўла таъминланган эмас. Келажакда бевосита божхона тизими учун шундай ихтисосдаги мутахассислар тайёрланадиган олий ўқув юртлари очилишидан ҳам умидвормиз. Хуллас, мустақиллик тенгдош бўлган божхона тизими янада такомиллашишига, моддий томондан мустаҳкам асосга эга бўлишига имонимиз комил.

**Суҳбатни Р. РЎЗИЕВ ёзиб олди.**

# ҚАДАҲДАГИ КЎЗ ЁШЛАР

## ёки бир автофалокат таҳлили



**Шу йил 22 август куни тахминан соат 11 ларда Хатирчи–Зарафшон йўлининг иккинчи километрида автофалокат содир бўлди.**

**1976 йилда туғилган, Хатирчи туманидаги Мирзо Улуғбек номли жамоа хўжалигида яшовчи Отабек Хушвақтов бошқарувидаги Т 28 Х 4 русумли, 09 29 БГ давлат рақам белгили трактор Шароф Рашидов номли жамоа хўжалигида истиқомат қилган, 1968 йилда туғилган Шокир Эшқувватов бошқариб келаётган "Москвич-412" русумли Е 51 67 НВ давлат рақам белгили автомашина билан тўқнашиб кетди.**

**Оқибатда автомашина ҳайдовчиси Шокир Эшқувватов ҳамда унинг 1970 йилда туғилган турмуш ўртоғи Гулчеҳра Қиличевалар воқеа жойида ҳалок бўлдилар.**

**Шокир ва Гулчеҳраларнинг шу автомашина салонида бўлган қизчалари – тўрт ёшли Мафтуна оғир тан жароҳати олганлиги учун касалхонага ётқизилди.**

**Надоматлар бўлсинки, шифокорларнинг барча уринишлари ҳам зое кетди...**

Шокиржон, азиз укагинам!

Сен эндигина 31 ёшга киргандинг. Кечагина бошқа тенгқурларинг қатори шодхандон яшаб юргандинг. Ота-онанг бир неча йиллар олдин дорилбақога ҳижрат қилган бўлсалар-да, тақдирга тан бериб, қаддингни тиклаб олгандинг. Гулчеҳрадай суянчиғинг – ўзингга муносиб жуфти ҳалолинг, бири-биридан ширин уч нафар фарзандинг – овунчоғинг бор эди. Бу оламнинг барча гўзаллиги, тароватиi ва ниҳоят, умринг мазмунини дилбандларинг юзидаги мамнунликда, уларнинг бахтиёрлик уфуриб турган шўх кулгуларида кўрардинг. Ўғилларинг Обиджон, Акрамжон ва қизинг Мафтуналар келажагига энг шаффоф орзу-умидларингни боғлагандинг.

Бугун эса ана шу орзу-умидларинг менинг тепамдаги укпар булутлар қаърига – йўқликка сингиб кетди.

Яқинда сен яшаган, ҳар бир қаричида оёқ изларинг қолган хонадонга бордик. Сенга, Гулчеҳрага ва жажжи Мафтунага чин дунёнинг ободлигини, ҳузур-ҳаловатини тилаб, юзимизга фотиҳа тортдик. Кейин бир йўла ҳам отасидан, ҳам онажонидан, ҳам бийрон тилли сингилчасидан ажралиб қолган, кечаги бахтиёрлигидан асар ҳам қолмаган норасидаларингга кўзим тушди.

Во дариғ, шу митти вужудларни босиб-эзиб турган зил-замбил юкни итқитиб ташлашга ожиз бўлсам-а! Уларнинг зимистон диллари га бир ёруғ нур юбориш қўлимдан келмаса нима қилай?

Тўнғичинг–Обиджонга қараб, унинг кўзларидан думалаётган ёшни кўриб, бўғзимдан вулқон сингари бир оҳ отилиб чиқди, дард отилиб чиқди. Эшитяпсанми, умри ўхшамасину феълатвори худди ўзинг: сен шакллантирган эркаклик ғурури туфайлигина ўкириб юборишдан аранг тийилиб турибди.

Тириклигингда сен учун ҳам отага, ҳам онага айланган меҳрибонинг – қайнонанг Бўритош опанинг-да қадди дол бугун. Йиғлайвериб кўз ёшлари қуриди, аммо армонлари бисёр унинг.

У йилтираб турган кўзларидаги намни кафтининг орқаси билан артиб, сендан, жуфти ҳалолинг Гулчеҳрадан, ва ниҳоят, ёши кичик эса-да, ўтган умрингнинг катта қувончи бўлган Мафтунангдан ёдгорлик бўлиб қолган суратларни сандиқдан олиб берди.

Мана сен..., мана ўзинг мафтун бўлган Мафтуна..., мана сенга бир умр меҳру вафо кўрсатган садоқатли Гулчеҳра!

Эй, фалак, бу қандай бедодликки, бир куннинг ўзида бир хонадондан бир эмас – учта тобут лопиллаб чиқса!

Шокиржон, Гулчеҳранинг альбомга ёзилган мана бу сўзларига ҳеч кўзинг тушганмиди? Эшит, вафодоринг фарзандларингга нима деб ёзганини:

"Обиджон, Акрамжон... ва Мафтунажон!

Эсларингдан чиқармангиз, жоним болажонларим!

Мен фақат ота-онам ва сизлар учун яшаяпман. Ҳозир йигирма бешга кирдим. Яна неча йил яшашим номаълум. Доимо соғ-саломат бўлинглар, сизларга ҳар доим Худодан соғлик тилаганман.

Болажонларим, сизлардан яккаю ягона илтимосим – хотинингизми, эрингизми – ким бўлишидан қатъи назар, доимо ҳурмат қилинг, гапларингиз билан уларни асло ранжитмангиз. Эсингизда бўлсинки, улар ҳам бировнинг фарзандлари..."

Ишонасанми, укажоним, менинг фаҳмимча, жойинг жаннатда бўлгур Гулчеҳранг истиқболида нима борлигини олдиндан кўрган экан, тўрт йил олдин васиятини ёзиб қўйибди-я!

Мунғайиб ўтирган ўғилларинг – Обиджон ва Акрамжонлар орадан йиллар ўтиб, волидаи муҳтарамаларининг ўтинчларини адо этарлар, аммо яна бир доддки, тўрт ёшли Мафтунангга она васиятини адо этиш насиб қилмаган экан, автофалокатдан сўнг шифохонага бирров бордию, кейин сизларнинг ортингиздан чопди...

Бу даҳшатли манзара Бўритош опанинг, қолаверса ҳамма нарсани тушуниб қолган Обиджоннинг хотирасига бир умр муҳрланиб қолганлиги рост.

– Ҳаммалари жуда эрта кетди, бу совуқ хабарни эшитганимдан кейин оёқ-қўлимда мадор қолмади. Ҳозир менинг жисмим одамга ўхшайди, холос, – дейди фарзандларию ширин набираси ҳажрида дили вайрон бўлган қайнонанг Бўритош опа ва алам билан қўшиб қўяди: – Ким билади нима бўлганини, аммо менимча ҳамма айб тракторчида.

Ўша кунги автофалокат иштирокчиси бўлмиш тракторчига нисбатан жиноий иш қўзғатилган, тергов ҳаракатлари якунланган, эрта-индин бу иш суд томонидан кўриб чиқилади.

Хуллас, йигирма уч ёшли Отабек Хушвақтов ҳозирча тергов ҳибсхонасида сақланмоқда.

У билан менинг ўртамизда мана бундай суҳбат бўлиб ўтди:

– Отабек, уйланганмисиз?

– Йўқ, бу йил уйланмоқчийдим.

– Келин тайёрми?

– Йўқ, уйдагилар совчиликка боришаётганди.

– Неча йилдан бери тракторчилик қиласиз?

– 1993 йилдан бери трактор ҳайдайман.

– Аввал ҳам йўлларда ҳаракатланиш қоидасини бузиб, ДАН инспекторлари томонидан бирор чора олган пайтларингиз бўлганми?

– Бир марта тракторим техник кўрикдан ўтмаганлиги учун баённома тузишган.

– Демак, трактор бошқаришда бирмунча тажрибангиз бор экан. Ўша кунги фалокат қандай рўй берди?

– Қишлоғимизда Эрматов Йўлдош ака бир кун олдин тўй қилган, ана шу тантанада ишлатилган стол-стулларни эгасининг уйига олиб бориб беришим керак эди. Ўртоғим Акрам билан гаражга бордим. Аммо механик дам олиш куни бўлгани учун тракторимни олиб чиқишимга рухсат бермади. Акрам алоҳида гаплашгандан кейин, "Майли, ишни битириб, тракторни яна жойига олиб келиб қўй", – деди.

Стол-стулларни тележкага ортиб кетаётгандим.

– Ўртоғингиз ҳам ёнингизда эдими?

– Ҳа.

– Трактор кабинасида одам олиб юриш мумкинмаслигини билардингиз, шундайми?

– Билардим.

– Давом этинг, кейинчи?

– Кўприкка яқинлашганимда олдинда келаётган машинани кўрдим. Унинг тезлиги юқори эди, боз устига йўлнинг тўлқинсимон қисмига тушиб қолганлиги учун у ёқдан-бу ёққа чайқалиб ўта бошлади. Кейин келиб, тракторимнинг олдинги қисмига урилди.

Пастга тушиб, биринчи ҳайдовчини тортиб олдим. У жон берган экан. Кейин, ишқилиб тирик бўлсин-да, деб аёл кишини тортиб олдим. У ҳам тирик эмасди. Кейин болачани... хайриятки, у нафас олаётганди. Уни йўловчи "Дамас"га ортиб, Акрам билан касалхонага жўнатдим. Тракторим кабинасидаги пардани олиб, аёл кишининг юзига ёпиб қўйдим. Кейин милиция идорасига келиб, бор гапни айтдим.

– Хавф яқинлашиб келаётганини кўргач, нега тормоз босмадингиз?

– Тормозладим, аммо тўхтатиб қололмадим. Тележкада стол-стуллар бор эди.

Шокиржон, тирик бўлганингда эҳтимол менинг мулоҳазаларимни маъқуллаган бўлардинг.

Ўзинг айтгин, Отабек ким ўзи? Эндигина йигирма уч ёшга кирган, дунёга келиб висол нашъасини суриш у ёқда турсин, бирор гўзалнинг билагидан тутиб улгурмаган, халқ таъбири билан айтганда, она сути оғзидан кетмаган гўдак, шундай эмасми? Уни билиб туриб автофалокат содир этди, қасддан уч кишининг умр шамчироғини сўндирди деб хулоса чиқарсак – адолатдан бўлмайди.

Назаримда, фалокат оёқ остида деганлари шу бўлса керак. У ўша машъум кундан бери панжаралар ортида ётибди, еган-ичгани татимайди, фикр-хаёли зимистонга айланган.

Иймоним комилки, уйқусида ҳам тинчи йўқ унинг. Ким билади дейсан, балки бир кун олдин тўй қилиб, стол-стулларни эгасига элтиб беришни сўраган Йўлдош акани айблаётгандир, балки аввалига кўнмаган, кейин Акрамга нима учундир йўқ демасдан якшанба куни бўлишига қарамай тракторни саройдан олиб чиқишга рухсат этган механикнинг уддабурролигини намойиш этиб, механикни кўндирган дўсти Акрамдан домонгир бўлаётгандир.

Эҳтимол ўзини калтабину лақма атаб, виждони изтироб ўтида қовриләётгандир...

Сен ҳам ота эдинг, Шокиржон, фарзандларингни жонингдан ортиқ севардинг. Шу важдан қараганда, ўғли қамоқда ўтирган Нишон аканинг юрагини эзғилаётган оҳ-нолаю дард-ситам сенга бегона эмас. Ёки Отабекни ўзи емай-едирган, ўзи киймай кийдирган, папалаб-авайлаб катта қилган Саломат опага ҳам тўзим берсин.

Йўқ, укагинам, сўзларимни тўғри қабул қилгин, мен бу билан Отабек оппоқ демоқчи эмасман ва бунга ҳаққим ҳам йўқ. Унинг айбини қонун тарозусига солиб ўлчаш – судга ҳавола.

Ҳа, дарвоқе, шу ўринда суд аъзоларига яна бир жиҳатга эътибор бериш кераклигини таъкидлагим келди: айбланувчининг айтишича, у ўзига нисбатан тергов ҳаракатлари тугалланибди ҳамки, ҳанузгача ўзининг ҳақ-ҳуқуқини ҳимоя этувчи адвокати кимлигидан бехабар.

Қолаверса, бу фалокатнинг рўй беришида бевосита бўлмаса-да, бошқаларнинг ҳам айби бор. Жумладан, Мирзо Улуғбек жамоа хўжалиги трактор саройи механиги дам олиш куни бўлишига қарамай Отабек Хушвақтовга тракторни бериб юборгани учун, йўлсозлар эса автофалокат рўй берган жойдаги тўлқинсимон жойни таъмирламаганлари учун жавоб беришлари керак.

– Бу автофалокатда ҳар икки томоннинг ҳам айби бор, – дейди Хатирчи тумани прокурори, адлия кичик маслаҳатчиси Абдусалом Самадов. – Тракторчи Отабек Хушвақтов биринчидан, дам олиш куни бўлишига қарамасдан тракторни жамоа хўжалигидан ўзбошимчалик билан десак бўлади, олиб чиққан. Фалокат содир этилишидан олдин эса рўпарасидан келаётган хавфни кўрган. Аввало "Йўлларда ҳаракатланиш қоидалари"га амал қилиб, бундай пайтда ўзи бошқараётган транспорт воситасини тўхтатиш чораларини кўриши керак эди. Бунга имкони бўлмаган пайтда рулни чап томонга бурмаслиги, рўпарадан келаётган автомашинанинг йўлини тўсиб қўймаслиги лозим эди. У эса йўлнинг тўлқинсимон қисмига тушиб қолганлиги учун у томонга, бу томонга ўтиб келаётган автомашинани ўнг томондан ўтказиб юбориш мақсадида рулни чап томонга бурган.

Марҳум Шокир Эшқувватов эса "Москвич" автомашинасини бошқариб келаётганда маст бўлган. Бу эса "Йўлларда ҳаракатланиш қоидалари" талабларига мутлақо зиддир.

Агар у рулга ўтиришдан олдин спиртли ичимлик истеъмол қилмаганида, йўлнинг тўлқинсимон қисмини кўрган ва буни эътиборга олиб, тезлигини камайтирган бўларди.

Шокиржон, мени маъзур тут, укам! Аслида марҳумларнинг айбини ва камчилигини айтиш – одобдан эмас. Қолаверса, бу жаннатмакон ота-боболаримиз тарбияси билан қон-қонимизга сингиб кетган ўзбекона қадриятларга ҳам мутлақо зид.

Лекин бўғзимга тиқилиб турган бир истиҳола бор. Айтсам тилим куяди, айтмасам – дилим. Нима бўлганда ҳам ўзим ҳақиқат деб билган мулоҳазаларимни баён қилмасликка имкон тополмаяпман, мени тўғри тушун, укажон!

Буни эшитмаган бўлишинг мумкин, аммо зукколигу покдомонликда жаҳонга донг таратган ота-боболаримиз ҳам ароқни заҳри қотил ҳисоблаб, ундан ҳазар қилганлари сен учун сир эмас эди.

Во дариғки, фалокат юз берган кун бозордан қайтаётиб, ана шу ақидага амал қилмадинг. Ота-онангни бериб қўйган пайтларда ҳам синмаган ироданг бу сафар нафс деб аталмиш аждаҳони забт этолмади.

Миқдори қанча – ёлғиз ўзинггаю Яратганга аён, лекин бозордан қайтаётиб, қайсидир гумроҳлар даврасида ароқ ичишинг – маълум соатлардан кейинги мислсиз фалокат сари қўйган бир қадаминг эди.

Эҳтимол шуурингни ғафлат босган ўша дақиқада эндигина ичмоқчи бўлаётганинг аввало ўзингни, қолаверса, хотининг Гулчеҳрани, зурриёдинг жажжи Мафтунани фожиали ҳалок бўлишига олиб келишини билганингда, қўлингдаги пиёлада туриб жилва қилаётган ичкилик аслида етимлик либосини кийган Обиджонинг ва Акрамжонинг кўзларидан оқаётган ёш эканлигини англаганингда нафрат-ла сочиб ташламасмидинг уни!

Афсуски, буни сезмагансан...

**Раҳмонали ҚОСИМОВ,**
**ИИВ ДАНББ катта инспектори,**
**милиция майори.**